ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

Т.У. УСМОНОВ, Қ.О.ШАВАЗОВ, Х.Т.УСМОНОВ, Б.Т.МИРНИГМАТОВ, Х.Т.УСМОНОВ

# ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАСОЗЛИГИГА ОИД ТАСВИРИЙ ИЗОҲЛИ РУСЧА – ИНГЛИЗЧА – ЎЗБЕКЧА ЛУҒАТ

Тошкент - 2019

*Ушбу Луғат институт Илмий-услубий Кенгашининг “24” апрель 2019 йил 3 - сонли мажлисида тасдиқланган ва чоп этишга рухсат берилган.*

Қишлоқ ва сув хўжалигини механизациялашга оид асосий атамалар ва таърифларга бағишланган ушбу луғат сув хўжалиги ва мелиорация мажмуасини тадқиқ этиш, лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш ҳамда ушбу мажмуада қўлланиладиган қишлоқ хўжалиги, мелиорация, қурилиш машиналари ва кичик механизация воситалари тўғрисида ўзимизда ва чет элларда тўпланган кўп йиллик тажрибалар асосида тузилди.

Луғат қишлоқ ва сув хўжалигиги мутахассисларига, илмий ходимларга, лойиҳачиларга, олий ўқув юртларининг талаба (бакалавр ва магистр)ларига шунингдек, шу соҳага қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.


**Тузувчилар:** **Т.У.Усмонов, Қ.О.Шавазов, Х.Т.Усмонов, Б.Т.Мирнигматов, Х.Т.Усмонов**

**Тақризчилар:** **Н.Умиров - ТИҚХММИ “Тракторлар ва автомобиллар” кафедраси доценти,т.ф.н.**

**Нуллаев У.А. “Инглиз тили” кафедраси ўқитувчиси**

**Хушвақтов Б. - ЎзҚХМЭИ к.и.х., т.ф.н.**



Усмонов Тоҳир / Қишлоқ ва сув хўжалиги машинасозлигига оид тасвирий изоҳли русча – инглизча – ўзбекча луғат/. –Т.,ТИҚХММИ, 2019. - bet.


---


**© Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ), 2019 й.**

## Аннотация

Ушбу луғат қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида қўлланиладиган машина ва механизмлар, уларнинг узеллари, деталлари ҳамда уларни қуйиш, босим билан ишлов бериш,пайвандлаш, термик ишлов бериш каби бир қатор технологик жараёнларга ва бошқа тегишли атамаларга бағишланган бўлиб, атамалар русча, ингилзча ва ўзбек тилларида изоҳли – тасвирий равишда баён этилган.

Луғат техник йўналишда ўқийдиган талабалар, магистрлар, докторантлар ҳамда шу соҳада ишлайдиган мутахассислар учун мўлжалланган.

## Аннотация

В словаре наглядно освещены термины, касающиеся узлов и деталей водохозяйственных и сельскохозяйственных машин и механизмов, а также способов их литья, сварки, обработки давлением, термической и химикотермической обработки. Наглядносмысловое освящение дано на узбекском, русском и английском языках.

Словарь предназначен для студентов, магистров, докторантов, а также для всех специалистов, работающих в области водохозяйственных и сельскохозяйственных машин и механизмов.

## Annotation

Terms, touching knots and details of reclamative and agricultural machines and mechanisms, and also methods of their casting, welding, treatment, heat and khimikothermal treatment, pressure, are evidently lighted up in a dictionary. The evidentsemantic sanctifying is given on the Uzbek, Russian and English languages.

A dictionary is intended for students, master's degrees, doktorantov, and also for all specialists, workings in area of reclamative and agricultural machines and mechanisms.

# КИРИШ

Ҳар бир олий ўқув юртлари ва муассасалари дарсликлар, ўқув қўлланмалари, методик қўлланмалари, услубий кўрсатмалари, рангли суратлар ва модель макетлар, компьютерлаштирилган хоналар ва бошқа ўқитишнинг замонавий техник воситалари билан таъминланган бўлишлари керак. Ушбу вазифалар тўлиқ ечилганда ва кўрсатиб ўтилган воситалар ҳамда қўлланмалар билан тўлдирилганда олий даргоҳдан билимли, савияли, сув ва қишлоқ хўжалигига тегишли ирригация ва мелиорация тизимининг барча соҳаларида етарли даражада ўзлари олган билимларини бемалол ишлата оладиган бакалавр ва магистрларни тайёрлаб чиқарса бўлади.

Республикамизда 1997 йил 29 августида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонунни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда “Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси”ни амалга оширишда асосий кўрсатгич ва талаблардан бири тайёрланган кадрларни ўқитишда моддий техника базасини таъминлаш ҳисобланади.

Маълумки, дарсликлар, ўқув қўлланма ва бошқа адабиётларда қишлоқ ва сув хўжалигини механизациялашга, турли соҳаларда ишлатиладиган машина ва механизмлар ҳамда асбоб – ускуналарга оид бошланғич тушунчалар берилмайди. Бу эса талабалар, магистрлар ва коллеж ўқувчилари учун ўрганилаётган фанларни ўзлаштриб олишига анча қийинчиликлар яратади.

Шунинг учун кўрсатилган муаммоларни ижобий ҳал этиш мақсадида ушбу луғат қишлоқ ва сув хўжалигини механизациялаш йўналиши бўйича шуғулланувчи мутахассислар, изланувчилар, талабалар, магистрлар ва бошқа турдош изланувчи мутахассислар учун фойдаланишга мўлжалланган.

Мазкур луғат қишлоқ ва сув хўжалиги ишларини механизациялаш ва унга турдош бошқа соҳаларга ҳам оид бўлган атамаларни ўз ичига олади.

Луғат учун илк материаллар ва уларни изоҳлашда техник мезонлар, илмий – техник маълумотномалар, шу соҳа бўйича қомусий луғатлардан фойдаланилди.

Рус атамалари луғатда биринчи ва ажратилган шрифтда берилиб, рус алфавити тартибида берилган. Луғатдаги изоҳлар фақатгина ўзбек тилида берилган.

Муаллиф луғатни тайёрлашда ўзларининг сидқидилдан ёрдамларини аямаган “Инглиз тили” кафедраси ўқитувчилари У.Нуллаев ва Л.Р.Бобоқуловаларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

Ҳар қандай янги яратилаётган манбалар албатта камчиликлардан ҳоли деб бўлмайди. Шунинг учун муаллиф ушбу луғат тўғрисида беғараз ва холисона билдириладиган фикрларни миннатдорчилик билан қабул қилади.

Манзил: Тошкент,100000, Қори – Ниёзий кўчаси, 39,
ТИҚХММИ. Телефон: 237 19 27